

II-УСТОЗЛАР МИЛЛИЙ ФОРУМИ

Марғилон шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг анъанавий "II-устозлар миллий форуми" тадбири "Сифатли таълим кучли жамият" шиори остида ўтказилди.

Тантанали тадбирни шаҳар ҳокими кириш сўзи билан очиб, барча устоз ва мураббийларни яқинлашиб келаётган шонли Мустақиллигимизнинг қутлуғ 32 йиллиги ҳамда таълим соҳасида эришилган ютуқлар билан табриклади.

У ўз сўзида Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, таълим сифати ва самарадорлигини давр руҳи билан ҳамоҳанг йўлга қўйиш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганлигини алоҳида эътироф этди.

Бугунги кунда шаҳримиздаги мавжуд 35 та умумий ўрта таълим мактабларида 40 минг нафардан зиёд ўқувчиларга 2200 нафар педагоглар таълим тарбия бериб келишмоқда.

Жорий йилда 10 та умумий ўрта таълим мактаблари жорий таъмирланди, шунингдек, қатор умумий ўрта таълим мактаблари замонавий компьютер тўпламлари, мебель жиҳозлари билан таъминланди. Ушбу ишларга давлат бюджетидан 7.6 млрд сўм маблағ йўналтирилди.

Тадбир давомида таълим соҳасида эришган ютуқлари, эртамиз эгалари бўлган ёшларни тарбиялаш йўлида кўрсатган фидокорона меҳнатлари учун бир гурӯҳ устоз ва мураббийлар шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсадалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир дилрабо куй ва қўшиқлар оҳангига бир пиёла чой устида давом этди.

2023-08-25 20:14:51